

2. Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. -Т.: 2006.

3. Флэйк-Хобсон К., Робинсон Б.Е., Скин П. Мир входящему: Развитие ребёнка и его отношения с окружающими. -М.: 1992.

РЕЗЮМЕ

Мақолада болалардаги салбий ҳулқ –атворнинг пайдо бўлиши ҳолатлари ва уни бартараф этиш чоралари, бу масалада оиланинг, бола яшаётган муҳитнинг ижобий ва салбий тарбиявий аҳамияти сўз этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о причинах негативного поведения детей, и мерах по решению этой проблемы и о воспитательной роли семьи и воздействии окружающей среды на решение этой проблемы.

SUMMARY

The article is devoted to the reasons of negative behavior of children, the measures of solving this problem, the educational role of a family and influence of environment on the solution of this issue.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БАДИЙ ТЎГАРАКЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ

Ш.Мустафаев - катта ўқитувчи

Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: бадий тўғарак, машғулот, ташкилий-педагогик, методик, самарадорлик, йўриқнома, журнал.

Ключевые слова: художественный кружок, упражнение, организационно-педагогический, методический, продуктивность, инструкция, журнал.

Key words: artistic circle, exercise, organizational-pedagogical, methodical, productivity, instruction, journal.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.” маърузасида “Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг ҳавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади. ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда” деб алоҳида таъкидлаб ўтган эди [1:2].

Шунингдек, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида”ги ПҚ-2909- сон қарорининг 2017-2021 - йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастурини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар комплексининг VI-бандида “Олий таълимни маънавий-ахлоқий такомиллаштириш ва тарбиявий тадбирлар натижадорлигини ошириш” алоҳида таъкидлаб ўтилган [2:25].

Бугунги кунда республика олий таълим муассасаларида 180 дан ортиқ бадий тўғараклар фаолият кўрсатмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар ва тажриба-синовлар жараёнида бадий тўғараклар фаолиятида қатор ташкилий-педагогик меъёрий ҳужжатлар, норматив ҳужжатларда ягона ёндашувнинг етишмаслиги аниқланди. Бу ҳолатлар, жумладан тўғарак раҳбарлари фаолиятини илмий асосда ташкил қилишдаги ҳар хилликлар бадий тўғараклар машғулотларини методик таъминлашга ҳалақит бериб, машғулотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда эди. Ана шу илмий-услубий муаммони ҳал қилиш мақсадида амалиётда ҳамда бошқа вазирликларда амалда бўлган тажрибаларни, манбаларни ўрганиш натижасида олий таълим муассасаларидаги бадий тўғараклар фаолиятини ташкил қилишни методик такомиллаштириш мақсадида Намунавий йўриқнома ишлаб чиқилиб, тажриба-тадқиқот тўғаракларида синовдан ўтказилди.

Маълумки, олий таълим муассасаларининг бадий тўғараклари олий таълим тизимида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг бир бўғини ҳисобланади. Шу боис бадий тўғараклар ўз зиммаларига юкланган вазифаларни бажариши ва фаолиятлари давомида таълим-тарбия ишини режалаштириши, ўқув-педагогик жараёни олиб бориши, тўғараклар ишларини юритишни ташкил қилиш билан боғлиқ ишлар меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топади. Бу ҳужжатлар тўғаракларда амалга оширилаётган таълим-тарбия ишларини сифат жиҳатдан тавсифлаб берувчи ва тартибга солувчи омилдир.

Тўғарак машғулотлари журнали – бадий тўғаракларнинг асосий ўқув-педагогик ҳужжатларидан бири ҳисобланади. Айни вақтда бу журнал - давлат молиявий ҳисобот ҳужжати ҳисобланади. Уни ҳар бир тўғарак раҳбар томонидан тўғри юритилиши олий таълим муассасаси маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори ҳамда Маънавият ва маърифат бўлими томонидан мунтазам назорат қилиб борилади ва сақланиши таъминланади.

Бадий тўғаракларнинг журналлари ўқув йилига мўлжалланган бўлиб, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий шаклда ҳар бир тўғаракда юритилиб, журналнинг сақланиш муддати 20 йил ҳисобланади.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган йўриқномада олий таълим муассасалари тўғарак машғулотлари журналларини юритиш бўйича намуналар таклиф этилди. Жумладан, олий таълим муассасаларида тўғарак машғулотлари журналнинг юритилиши муайян бадий тўғарак мисолида кўрсатилиб, журналдаги айрим саҳифа ва жадвалларнинг юритилиши бўйича барча тўғараклар учун хос бўлган хусусиятлар ва мисоллар кўрсатилди. Масалан, тўғарак машғулотлари журналнинг бошланиши “Тўғарак машғулотлари ишини ҳисобга олиш журнални юритиш бўйича кўрсатмалар” деб номланиб, тўғарак раҳбарларига машғулотлар журнални юритишга доир 11та кўрсатма баён қилинди. Тўғарак машғулотлари журналнинг кейинги саҳифаси “Тўғарак ишини ҳисобга олиш журнали” деб номланади. Унда тўғарак номи, тўғарак раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми, ўқув йили, тўғарак манзили ёзиб қўйилди.

Ҳар бир тўғаракда аъзолар билан маслаҳатлашган ҳолда сардор белгиланиши қайд этилгани ҳолда “Тўғарак аъзоларининг сардори” деган бандига тўғаракда нечта гуруҳ бўлса, тўғаракдаги ҳар бир гуруҳнинг сардорлари фамилияси, исми навбат билан ёзилади. Масалан, тўғаракда 3 та гуруҳ бор. Ушбу бандга 3 та тўғарак гуруҳининг сардорлари исм-шарифлари ҳар бир гуруҳ каторига алоҳида-алоҳида ёзилиши кўрсатиб берилди.

“Тўғаракнинг мақсад ва вазифалари” деган бандига тўғаракни ташкил этилишидан кўзда тутилган мақсад ва вазифалар қисқа ва лўнда тарзда ёзиб қўйилади. “Тўғарак машғулотларининг жадвали” иккита (ҳафта кунлари ва гуруҳлар кўрсатилган) жадваллардан иборат бўлиб, биринчиси “1-йрим йиллик” жадвали, иккинчиси “2-йрим йиллик” жадвалидир. Ушбу жадваллар тагида “Жами _____ соат” деб номланган банд берилади ва мазкур бандга тўғарак раҳбарининг ҳафталик юклагаси (соати) ёзилади. Тўғаракнинг “1-йрим йиллик” жадвали ва “Жами _____ соат” деб номланган бандлари ўқув йилининг сентябрь ойи иккинчи ўн кунлигида, “2-йрим йиллик” жадвали ва “Жами _____ соат” деб номланган

банди январь ойининг иккинчи ўн кунлигида тўлдирилади. Мазкур жадваллар олий таълим муассасаси маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори томонидан умумий тўғарак машғулоти жадвали тасдиқлангандан сўнг тўғарак раҳбари томонидан тўлдирилади.

“Тўғарак машғулоти жадвалидаги ўзгаришлар” бандига машғулоти ўтиш вақти ўзгарган гуруҳ, машғулоти куни ва машғулоти вақтлари кўрсатилади. “2-йрим йиллик” жадвалида белгиланган машғулоти вақти “1-йрим йиллик” жадвалида белгиланган машғулоти вақти билан бир хил бўлмаслиги мумкин, лекин бу ўзгариш “Тўғарак машғулоти жадвалидаги ўзгаришлар” бандига киритилмайди. Бу бандга “1-йрим йиллик” жадвалида белгиланган машғулоти вақти 1 октябрдан январь ойининг 10 санасига қадар, “2-йрим йиллик” жадвалида белгиланган машғулоти вақти 1 февралдан май ойининг 15 санасига қадар бўлган ўзгаришлар киритилади.

Тўғаракнинг ўқув йили учун мўлжалланган ўқув режаси илмий методик кенгаш муҳокамасидан ўтказилади. Унда талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда гоёвий-эстетик тарбиялаш мақсадида ўтиладиган мавзулар режаси, режанинг неча соати назарий, неча соати амалий тарзда ўтилиши ҳамда ушбу соатларни ўтиш муддатлари ёзилади.

Баъзи мавзуларни ўтиш учун катта соатлар ажратилган бўлса-ю, унинг майда мавзулари берилмаган бўлиб, ўша бош мавзунинг айнан ўзи ўтиладиган мавзулар режасида такрорланган бўлса, ўша мавзулар журналдаги “Ўтказилган машғулоти ҳисоботи” саҳифаларидаги “Машғулоти мавзуси” деган блокка токи ўша мавзу учун ажратилган соатлар миқдорига тўғри келгунча қайта-қайта ёзилади.

Бадий тўғарак машғулоти журналида “Ўқув йили учун оммавий ишлар режаси” кўзда тутилиб, унда турли оммавий тадбирлар режалари ёзилади. Масалан, “Наврўз” умумхалқ байрами, Мустақиллик байрами, Конституция куни ва шу қабиға бағишланган турли хил оммавий ишлар ёзилади. Шунингдек, ўтказиладиган турли хил кўргазмалар, учрашувлар, ярмаркалар, концертлар, рўзнома ва телевиденияларда чиқишлар ҳақида маълумотлар ёзилади.

“Тўғарак аъзолари ҳақида маълумот”да талабнинг тўғаракка аъзо бўлган вақти, туғилган санаси, миллати ва ўқиётган факультети, курси, уй ва мобил телефон рақамлари, электрон манзили, тўғарак аъзосидан чиқарилган сана ва уй манзили тўғрисида маълумотлар

ёзиб қўйилади.

Тўғарак машғулоти журналининг яна бир бўлими “Ўтказилган машғулоти ҳисоботи” деб номланади. “Ўтказилган машғулоти ҳисоботи” тўғаракнинг ҳар бир гуруҳида юритилади. Ҳар бир гуруҳ журналининг алоҳида саҳифасига ёзилади.

“Ўтказилган машғулоти ҳисоботи” саҳифаларининг чап бетидаги “Фамилияси, исми” устунига гуруҳдаги ўқувчиларнинг фамилияси ва исми, ўнг бетидаги “машғулоти мавзуси” устунига машғулотида ўтилатган мавзулар ёзилади. Мавзуларни олдиндан ёзиб қўйиш мумкин эмас. Ўтилган мавзу ёки ўтказилган концерт, кўргазма, чиқиш ва экскурсияларнинг мавзуси ва сарфланган соатлар миқдори аниқ кўрсатилади. Тўғаракнинг ўқув режасида мавзулар учун ажратилган соатлар миқдори катта, яхлит яъни 6, 9, 12, 15 соатгача деб берилган бўлса, унинг “соатлар миқдори” устунига токи ўша соатлар бажарилгунча қадар қайта-қайта 2 ёки 3 соатдан қўшиб борилади. Шунингдек, ушбу саҳифадаги “машғулоти мавзуси” устунининг чап томонида “машғулоти куни” қўйилади. Ушбу “машғулоти куни” ҳам машғулоти вақти келмагунча олдиндан ёзиб қўйиш мумкин эмас.

Тўғарак раҳбари ўқувчилар давоматини мунтазам белгилаб боради. Машғулоти сабабсиз келмаган ўқувчи “-”, сабабли келмаган ўқувчи “+” белгилари билан белгиланади. Журналга баҳо қўйилмайди.

Тўғарак машғулоти журналининг “Тўғарак раҳбарининг методик ишлари” деб номланадиган жадвалга тўғарак раҳбари томонидан ўқув йили давомида ўтказилган семинарлар, тўғарак очик машғулоти мазмуни, ўтказилган вақтлари ёзиб борилади. Методик иш бажарилгандан сўнг бу ҳақидаги маълумот бир ҳафта ичида журналга ёзиб қўйилади. “Қатнашувчилар сони” устунига методик ишларда қатнашган педагог ходимлар ва тўғарак аъзоларининг жами сони ёзилади. “Имзо” устунига тўғарак раҳбари томонидан имзо қўйилади.

Бадий тўғараклар фаолияти мазмуни, мундарижасини олдиндан режалаштириш мақсадида журналининг “Бажарилиш ишлар мазмуни” деб номланган устунига бажарилиши режалаштирилган оммавий ишлар, “Бажарилиш муддати” деб номланган устунига оммавий ишларнинг ўтказилиш вақти, “Бажарувчи масъуллар” деб номланган устунига белгиланган оммавий ишларнинг ижрочилари кўрсатилади

ТЎҒАРАК РАҲБАРИНИНГ МЕТОДИК ИШЛАРИ

(семинарлар, гуруҳий маслаҳатлар, тўғарак очик машғулоти)

Т/р	Ўтказилган вақти	Иш мазмуни	Қатнашувчилар сони	Имзо
1	22 сентябрь	Тўғарак очик машғулоти	20 нафар	
2	26 апрель	Тўғарак раҳбарларининг меъёрий ҳужжатларининг юритилиши мавзусида семинар	50 нафар	
3	12 май	“Нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик ишлари” мавзусида тўғарак раҳбарлари давра суҳбати	25 нафар	

-94-95-

Тўғарак машғулоти журналининг 96-98 саҳифалари “Оммавий ишлар” деб номланади

1.1-жадвалга журналнинг “20__-20__-ўқув йили учун оммавий ишлар режаси”да белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар қайд қилиб борилади. Оммавий ишлар бажарилгандан сўнг бир ҳафта ичида ёзиб қўйилади. Шунингдек, ушбу тадбирларнинг номи, ўтказилиш вақти ва жойи, тадбирни ўтказишда тўғаракнинг ўрни, аҳамияти ҳамда тадбирда қатнашган тўғарак аъзолари сони кўрсатилади.

Ушбу жадвалнинг шакли ва намунавий юритилиши қуйидагича:

Тўғарак машғулоти журналида “Кўрик танловлар, кўргазмалар ва мусобақаларда иштирок этиш” бўлими алоҳида ажратиб берилди. Зеро ушбу саҳифага тўғарак аъзоларининг турли хил кўрик-танловлар, кўргазмалар ва мусобақаларда иштироки, ушбу тадбирларга тақдим этилган нарсалар ва уларнинг муаллифлари, натижалари ёзилади. Бу қайдлар иштирок этилгандан кейин бир ҳафта ичида киритилади.

ОММАВИЙ ИШЛАР

(Кечалар, кўргазмалар, концертлар, анжуманлар уюштириш, рўзномаларга чиқиш ва ҳоказо)

T/p	Вакти	Нима ва қаерда ўтказилди	Тадбирларни ўтказишда тўғаракнинг аҳамияти	Қатнаш-ганлар сони
1	15 сентябрь	Тўғарак хонасида “Мустақилликдан олдин ва кейин” мавзuida тўғарак аъзолари билан давра суҳбати ўтказилди.	Тўғарак аъзолари давлат мустақиллигининг аҳамияти тўғрисида қўшимча тушунчага эга бўлиди.	20 нафар
2	15 октябрь	Марказда “Устоз отангдек улуг” мавзuida байрам дастури таъкил этилди.	Тўғарак аъзоларининг устозларга бўлган ҳурмати эътибори, устозларнинг меҳнати самараси акс эттирилди.	32 нафар
3	20 октябрь	“Чақар” маҳалласида “Тўғарак ярмаркаси” ўтказилди.	Ярмаркада болалар томонидан тўқилган миллий буюмлар намойиш этилди.	24 нафар
4	3 декабрь	Марказда “Бизнинг ҳуқуқларимиз” мавзuida расмлар кўргазмаси ўтказилди.	Кўргазмада расмлар орқали конституциявий ҳуқуқларимиз акс эттирилди.	36 нафар
5	9 декабрь	Марказда тўғарак аъзолари ўртасида ““Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – инсонпарварлик ва адолат таянчи” мавзuida давра суҳбати ўтказилди.	Тўғарак аъзолари ўзларининг ҳуқуқлари бўйича ўзаро таъриба алмашиди.	17 нафар
6	14 январь	Марказда “Ватан ҳимоячилари кўни”га бағишлаб суҳбат ўтказилди.	Тўғарак аъзоларига ватаннинг тинчлиги моҳияти, уни ҳимоя қилиш бурчи тўғрисида қўшимча тушунчалар берилди.	10 нафар
7	9-13 февраль	Марказда А.Навоий ва З.М.Бобур таваллудларига бағишлаб тўғарак аъзолари ўртасида “Буюк аждодлардан буюк мерослар” мавзuida давра суҳбати ўтказилди.	Тўғарак аъзоларининг миллий истиқлол мафқураси бўйича билимлари шакллантирилди.	25 нафар
8	3 март	Туман маданият уйида “Мўтабар аёл” дастури бўйича концерт берилди.	Концертда тўғарак аъзолари ўз рақсларини намойиш этди.	12 нафар

Тўғарак машғулотилари журналининг навбатдаги бўлими “Ижтимоий-фойдали фаолият” деб номланади. Ушбу саҳифага тўғарак аъзолари томонидан амалга оширилган ижтимоий-фойдали ишлар ёзилади. Жумладан, йўналишларига қараб тўғарак аъзолари томонидан тайёрланган турли хил амалий ишлар, ясалган ижод маҳсуллари, ободонлаштириш ишларидаги иштироки ва ҳоказолар ёзиб борилади. Бу қайдлар иш бажарилгандан кейин бир ҳафта ичида ёзилади.

Тўғарак машғулотилари журнаliga “Яқунланган ишлар рўйхати” деган юўлим киритилиб, бу жадвалга тўғарак раҳбари ва тўғарак аъзолари томонидан яратилган тавсиялар, рефератлар, кўргазмалар, тўғарак машғулотилари жараёнида ясалган буюмлар ҳақида ёзилади. Бу қайдлар иш бажарилгандан кейин бир ҳафта ичида ёзиб қўйилади.

Тўғарак машғулотилари журналининг “Фаол тўғарак аъзоларининг рўйхати” деб номланган қисмига турли хил оммавий тадбирларда фаол иштирок этган, танловлар, мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаган, тўғарак машғулотилари жараёнида фаол иштирок этган талабалар ҳақида маълумотлар ёзилади. Ушбу маълумотлар ўқув йилининг биринчи ярим йиллиги бўйича январь ойининг иккинчи ўн кунлигида, иккинчи ярим йиллиги бўйича 26 майдан 1 июнга қадар ёзилади.

Тўғарак фаолияти самарадорлигини баҳолаш ўта муҳим педагогик талабдир. Шу туфайли эришилган натижалар машғулотилари журналининг “Тўғаракнинг йиллик рақамли ҳисоботи” деб номланади. Унда тўғаракка жалб қилинган жами талабалар сони, гендер таркиби, шунингдек, жалб қилинган талбаларнинг қайси факультетдан эканлиги ҳамда ушбу тўғаракка неча йилдан бери қатнашаётганлиги қайд қилиниб борилади. Бу қайдлар одатда ўқув йилининг биринчи ярим йиллиги январь ойининг биринчи ўн кунлигида ва иккинчи ярим йиллиги ҳамда йиллиги 26 майдан 1 июнга қадар тўлдирилади.

Тўғарак машғулотилари журналининг “Тўғарак ишини таҳлил қилганларнинг фикр ва мулоҳазалари” деб

Адабиётлар

1. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. / “Халқ сўзи”, 2016 йил 8 декабрь.

2. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909- сон қарорининг 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури.

РЕЗЮМЕ

Ушбу илмий мақолада тўғарак иши фаолиятини илмий асосда ташкил қилиш, тўғарак машғулотилари самарадорлигини ошириш, ОТМ бадий тўғаракларининг фаолиятини ташкил қилиш ва методик такомиллаштириш йўллари ҳақида фикр юритилади.

В статье обсуждается организация деятельности руководителей кружков на научной основе, эффективность кружковой работы, организация и методическое совершенствование художественных кружков.

The article deals with the organization of the activities of the leaders of clubs on a scientific basis, the effectiveness of club activities, the organization and methodical improvement of artistic clubs.

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, РАДИОТЕХНИКА ВА ЭЛЕКТРОНИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН МАЗМУНИ

Н.Орынбетов - катта ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: ахборот технологияси, симуляторлар, виртуал лаборатория, электр катталар, электр схемалар, мультиметр, амперметр, вольтметр, микропроцессорларни дастурлаш, робототехника, технологик жараёнлар, визуал дастурлаш, махсус блок схемалар, график дастурлаш.

Ключевые слова: информационные технологии, симуляторы, виртуальные лаборатории, электрические величины, электрические схемы, мультиметры, амперметры, вольтметры, программирование микропроцессоров, робототехника, технологические процессы, визуальное программирование, специальные блок-схемы, графическое программирование.

Key words: information technologies, simulators, virtual laboratories, electrical quantities, electrical circuits, multimeters, amperimeters, voltmeters, microprocessors' programming, robot technics, technological processes, visual programming, special block diagrams, graphic programming.

Маълумки, меҳнат таълими йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳам ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Бу соҳа бўйича мутахассис ҳам назарий ҳам амалий томондан чуқур билим, кўникма ва малакага эга бўлиши талаб этилади. Айниқса, электротехника, радиотехника ва электроника фанини ўқитишда бу ўзига хос ёндашув янада яққолроқ намоён бўлади. Фаннинг мураккаблиги ва сал эътиборсизлик ёки маълум амалий ишдаги жараёни чуқур билмаслик инсон ҳаёти учун қандай салбий оқибатларга олиб келишини инобатга олишнинг ўзи бу фикрни тасдиқлаши шубҳасиз.

Олий таълимда ўқитиш сифатини ошириш сўзсиз янги ўқитиш усулларида қандай фойдаланишга ҳам боғлиқ. Янги ўқитиш усуллари талабаларнинг эътиборини таълим жараёнига жалб эта билиши муҳим саналади. Бунда, албатта талаба доимий равишда изланиш ва ҳаракатда бўлиши лозим, яъни берилган маълумотларни очиши, қайта ишлаши ва олган билимларни аниқ масалалар ечишда қўллаши лозим. Ахборот технологияларининг қўлланилиши ўқитишнинг амалиёт шаклларида тезда ўз самарасини беради. Компьютер ва мультимедия технологиялари имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда куйидагиларга эришиш мумкин:

- компьютердан ва интерфаол усуллардан фойдаланиб таълим сифатини ошириш;
- талабаларни дарс мавзусига қизиқтириш;
- билимларнинг пухта ўзлаштиришига эришиш;
- талаба тафаккурини ривожлантириш, яъни ўқувчини фикрлашга ўргатиш;
- талабаларни ўзаро мулоқот (муомала) қилишга фаол иштирокини таъминлаш;
- ўқувчилар гуруҳида мўътадил психологик иқлим яратиш;
- компьютернинг ҳисоблаш, ахборот излаш ва узатиш, ахборотларни қайта ишлаш, график имкониятини ўзлаштириш;
- таълим-тарбия жараёни назоратини диагностикасини ва баҳолашни амалга ошириш;
- тармоқ орқали касбий маҳорат, илмий-услубий адабиётларни алмашиш имконияти;
- таълим муассасаларининг марказлашган бошқаруви.

Компьютер ва дастурий маҳсулотларнинг бекиёс даражада ривожланиши ахборот технологияларни таълимда қўллашга кенг имкониятлар очиб бермоқда. Ўқув материалларини мультимедия тизимлари кўринишида тайёрлаш ва уларни компьютер тармоқлари ва узатиш воситалари орқали кўпчиликка тақдим этиш мумкинлиги ўқитишда катта имкониятлар яратади. Бундан кўриниб турибдики, компьютер ва мультимедия воситаларининг

имкониятлари нафақат ёшларнинг шахс сифатида шаклланишига кўмак беради, балки уларни қобилиятларининг юзага чиқишига имкон беради. Таълим беришнинг бу услубларидан профессор-ўқитувчи ва талабанинг роли бутунлай ўзгаради. Профессор-ўқитувчи назарий билимларини, турли услубларини ва йўриқномаларини берувчи ўқитувчидан турли шароитларда юзага келадиган муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган малакали маслаҳатчига айланади.

Компьютер технологияларининг таълим тизимига кенг жорий этилиши барча турдаги ўқитиш шаклларида ўқув материалларини қайтадан кўриб чиқишни ҳам талаб этади.

Педагогик дастурий воситалар – компьютер технологиялари ёрдамида ўқув жараёнини қисман ёки тўлиқ автоматлаштириш учун мўлжалланган дидактик восита ҳисобланади. Улар таълим жараёни самарадорлигини оширишнинг истикболли шаклларида бири ҳисобланиб, замонавий технологияларнинг ўқитиш воситаси сифатида қўлланилади. Педагогик дастурий воситалар таркибига: ўқув фани бўйича аниқ дидактик мақсадларга эришишга йўналтирилган дастурий маҳсулот (дастурлар мажмуаси), техник ва методик таъминот, қўшимча ва ёрдамчи воситалар қиради. Педагогик дастурий воситаларни куйидагиларга ажратиш мумкин:

- ўргатувчи дастурлар – ўқувчиларнинг билим даражаси ва қизиқишларидан келиб чиқиб янги билимларни ўзлаштиришга йўналтиради;
- тест дастурлари – эгалланган билим, малака ва кўникмаларни текшириш ёки баҳолаш мақсадларида қўлланилади;
- машқ қилдиргичлар - аввал ўзлаштирилган ўқув материални такрорлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади;
- ўқитувчи иштирокидаги виртуал ўқув муҳитини шакллантирувчи дастурлар.

Ўқув жараёнида моделлардан фойдаланиш янги усул эмас. Қадим-қадимдан ўқиб-ўрганиш мобайнида моделлардан фойдаланиб келинган. Симуляторлар ўқув жараёнининг қарийб барча жабҳаларида: бошланғич таълимдан бошлаб олий таълим босқичи муассасаларида ва кейинги босқичларда ҳам қўлланилиши мумкин. Кейинги вақтларда ҳаттоки трибюет соҳасида ҳам симуляторлардан кенг фойдаланилмоқда. Симуляторлардан фойдаланишнинг асосий сабабларидан бири уларнинг реал объектларга нисбатан жуда ҳам арзон муқобил эканлигидадир. Симуляторлар эса ҳақиқий асбаб-ускуна ва жиҳозларсиз виртуал ҳалатда бирар-бир физикавий жараёни моделлаштириш ҳамда виртуал лаборатория ишларини